Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 119 (5980).

18 ИЮНЬ

ШАНБА

1977 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЭРТАГА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ. КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БУЗИЛМАС БЛОКИ УЧУН ЯКДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

ҲАММА САЙЛОВГА!

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ



*

16 июнь куни Москвада, Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Суратда: қўшма мажлис пайти.

ТАСС фотохроникаси.

*



ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА, КОММУНИЗМ ЙЎЛИДА

Соат 14.00 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар **Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. Щ. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Г. В. Романов, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

Депутатлар ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳақидаги ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

*Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини совет халқи номидан қизғин маъқулладилар. Улар Ленин типидаги атоқли арбоб Леонид Ильич Брежнев партиянинг, барча совет кишиларининг чексиз ишончи ва меҳр-муҳаббатига сазовор эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Тинчлик ва социал тараққиёт учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев гоят зўр обрў эътиборга ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Депутатлар совет халқи шонли сана — Улуг Октябрнинг 60 йиллигини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олаётганлиги ҳақида гапирдилар. Ватанимиз тобора қудратлироқ бўлиб бормоқда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ўсмоқда, деб таъкидлашди нотиқлар. СССРнинг Янги Конституцияси советлар мамлакатининг янада равнақ топишини, халқнинг эртанги кунга бўлган ишончини гарантиялайди.

Қишлоқ хўжалиги комиссиясининг раиси депутат **В. М. Кавун** Иттифоқ Советининг қишлоқ хўжалиги, қонун лойиҳалари, табиатни муҳофаза қилиш, саноат комиссияларининг топширувига биноан қўшимча доклад қилди.

Ленинчи Марказий Комитетнинг доно раҳбарлиги, Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўп томонлама актив фаолияти, совет халқининг партия режаларини амалга ошириш соҳасида қилаётган зўр бунёдкорлик меҳнати, деди нотиқ, экономиканинг барча тармоқларини муттасил ва пропорционал ривожлантиришни, муҳим социал проблемаларни, шу жумладан мамлакатимизда умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилган табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишни таъминламоқда.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг тайёрланиши ва шу масалаларнинг Олий Советнинг ушбу сессиясида кўриб чиқилаётганлиги атроф муҳитни яхшилаш тўғрисида, совет халқининг фаровонлигини ошириш, жамиятимиз социалистик демократизмини янада ривожлантириш ҳақида партия қилаётган гамхўрликни тасдиқловчи яна бир яққол далилдир.

СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги Қонун асослари лойиҳаси матбуотда эълон қилинган эди ва жамоатчилик муҳокамаси давомида умуман ҳамманинг маъқуллашига сазовор бўлди.

Сўзга депутат ўрмон ҳақида Қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида Қонун лойиҳасининг айрим қоидаларини аниқлашга, ўрмонлардан фойдаланишни яхшилашга ва уларни муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган салкам уч мингта таклиф тушди, деди. Бу таклифларнинг ҳаммаси умумлаштирилди, комиссиялар томонидан батафсил кўриб чиқилди, уларнинг кўпи ҳисобга олинди.

Докладчи комиссияларнинг хулосасида баён этилган кўшимчалар ва ўзгаришларни ҳисобга олиб ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги Қонун асослари лойиҳасини доимий комиссиялар номидан тасдиқлаш ҳақида таклиф киритади. Кўриб чиқилаётган масала юзасидан СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасини маъқуллаш тўғрисида ҳам таклиф киритилади.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, депутат **В. И. Воротников** ўз нутқида Россия Федерациясида катта ҳажмда ёғоч тайёрланаётганлигига қарамай, ўрмонларнинг майдони қисқариши уёқда турсин, ҳатто анча кўпайганлигини таъкидлаб ўтди. Бироқ ёғоч асосан мамлакатнинг Европа қисмида тайёрланмоқда. Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида эса ёғоч тайёрлаш кам кўламда олиб борилмоқда, ҳолбуки асосий ўрмон массивлари шу районларда жойлашган. Бу аҳволни тузатиш лозим.

Янги қонун, деди депутат, ўрмон бойликларини узлуксиз кўпайтириб бориш учун курашда муҳим палла бўлиб хизмат қилади.

Ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси ҳақидаги масаланинг сессия муҳокамасига қўйилганлиги, деди Украина Компартияси Иваново-Франковск область комитетининг биринчи секретари, депутат **П. Ф. Безрук**, табиат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга партия билан совет ҳукумати қандай катта аҳамият бераётганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Ўтмишда Карпат ўрмонларидан қандай вахшиёна фойдаланилганлиги ҳаммага маълум, деб давом этди нотиқ. Партия, совет, хўжалик органлари ўрмонларни тиклаш юзасидан катта иш олиб бордилар. Ўрмонлар бир неча йилдан буён уларни кесишга қараганда кўпроқ кенгайиб бормоқда.

СССР соғлиқни сақлаш министри, депутат **Б. В. Петровский** айтдики, ўрмон ҳақидаги Қонун асослари лойиҳаси Коммунистик партиянинг совет кишиси бахт-саодати, унинг тинч меҳнати ва сиҳат-саломатлиги тўғрисида, мамлакатнинг табиий ресурсларини сақлаш тўғрисидаги қилаётган ғамхўрлигини акс эттиради.

Касалликнинг олдини олиш борасидаги катта план совет медицинасининг негизини ташкил этади. Бу планда ўрмонларни ва кўчатзорларни муҳофаза қилиш тадбирлари жуда муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган, деди министр. Бунинг боиси шуки, бу тадбирлар ҳаво, сув, тупроқнинг покиза бўлишини таъминлайди, сокинликни сақлайди.

Депутат СССР янги Конституцияси лойиҳасида мамлакатимиз гражданларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ҳуқуқи ёзиб қўйилганлигини эслатиб ўтди. Ўнинчи беш йилликнинг ҳар йили, деди у, ана шу ажойиб сўзлар тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари, депутат **С. М. Тонров** ўз нутқини инсоннинг табиатни ўзгартириш соҳасидаги олийжаноб вазифасига бағишлади.

«Тарибиню Кялю» колхози (Литва ССР) бош агрономи, депутат **П. П. Ионайтис** ўз нутқида бундай деди: бутун мамлакатда бўлгани каби Литвада ҳам лойиҳани кенг муҳокама қилиш вақтида Қонун асослари лойиҳаси Ватанимизнинг ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўрмон тўғрисидаги янги қонун, деди Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, депутат **П. Г. Гилашвили**, мамлакатнинг ўрмон бойликларини сақлаш, кўпайтириш ва улардан тўғри фойдаланишга ёрдам беради.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, деб таъкидлади нотиқ, ўрмонлардан фойдаланишни тартибга солишда катта роль ўйнайди.

Озарбайжондаги Н. Нариманов номли медицина институтининг ректори, депутат **З. Т. Қулиева** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: муҳокама этилаётган Қонун асослари лойиҳаси кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва таъминлаш билан чамбарчас боғланган. Атроф —муҳит медицинага доир кўпгина проблемаларни ҳал этишда ғоят муҳим омилдир. Ана шу муҳитдаги ўрмонлар эса бу соҳада жуда катта роль ўйнайди.

Меҳнаткашлар депутатлари Горький область Совети ижроия комитетининг раиси, депутат **В. И. Семенов** бундай деди; унча катта бўлмаган тайёрлаш ташкилотларида иморатбоп ёғоч-тахта кам олинмоқда, ўрмон саноати министрлигига қарашли корхоналарда эса иморатбоп ёғоч тахта тайёрлаш 85 процентга етди, унинг таннархи эса бир ярим баравар камайди. Ёғоч тайёрлаш ишларини концентрациялаш ва ишлаб чиқаришни яхшилаш областда қўшимча равишда бир миллион кубометр ёғоч тахта олиш ва ҳар йили 2,5 минг гектар ўрмонзорни сақлаш имконини берган бўлур эди.

Коми АССР Министрлар Советининг Раиси, депутат **П. А. Безносов** айтдики, кейинги йилларда автоном республикада ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, ўрмон бойликларидан комплекс ва оқилона фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва корхоналарни йириклаштириш, бутун йил мобайнида ишлаб турадиган автомобиль йўллари шоҳобчаларини ривожлантириш, ёғоч тайёрловчилар посёлкаларини барпо этиш — ёғоч тайёрлашни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишидир.

Витебск область меҳнаткашлар депутатлари Докшици район Совети ижроия комитетининг раиси, депутат **Л. А. Петрашкевич** бундай деди: давлатимизнинг бойлиги ва совет халқининг фаровонлиги табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

(Давоми 2-бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

17 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Украина ССР ва Литва ССР меҳнаткашлар депутатлари Советларининг СССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйишни ташкил этиш борасидаги иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлис Леонид Ильич Брежневнинг нутқи билан очилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришишдан олдин КПСС Марказий Комитети май Пленумининг кейинги қарорлари муносабати билан асосан Олий Совет ва унинг Президиуми иши тўғрисида, яқин фурсатда сиз билан ҳал этишимиз лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида бир неча оғиз гапиришни истардим.

Даставвал менга кўрсатилган катта ишонч учун партия Марказий Комитетига, СССР Олий Советига, ҳамма депутатларга, сизлар —Олий Совет Президиуми аъзоларига яна бир карра миннатдорчилик айтишни истардим.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимини ниҳоятда масъулиятли лавозим. Бу ерда, Президиумда Совет ҳокимиятининг жойлардаги 50 мингдан ортиқ советлари билан боғловчи ҳамма ришталар дарҳақиқат туташади. Минг-минглаб кишилар турли масалаларда юзасидан бу ерга мурожаат этиб турадилар.

Партиямиз Марказий Комитети май Пленумининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозими билан СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимини қўшиб олиб бориш тўғрисидаги қарори шунчаки бир расмий акт бўлмай, унинг чуқур сиёсий моҳияти борлигини сизлар яхши биласиз, албатта, ўртоқлар.

Бу қарор даставвал бутун сиёсий системамизнинг, меҳнаткашлар барча ташкилотларининг, ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ўзагини ташкил этувчи Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли доимо ошиб боратётганлигининг ифодасидир. Ҳукмрон партия сифатида КПСС Совет Конституцияси доирасида иш кўриб, давлат ҳаётининг барча муҳим масалаларини ҳал этишда сиёсий йўлни белгилаб келди ва бундан кейин ҳам белгилаб беоаверади.

Май Пленумининг қарорида кундалик ишимиз практикаси ҳам акс эттирилди. Бунда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўпгина аъзолари ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам чет элларда бевосита давлат ишларини олиб боришларига тўғри келмоқда. Жумладан, мен ҳам Марказий Комитет Бош секретари бўлиб ишлаётиб неча марта, шу жумладан сизларнинг топшириғингизга биноан давлатлараро муносабатларда, тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар хавфсизлигини таъминлаш туб масалалари юзасидан олиб борилган музокараларда мамлакатимиз номидан иш кўришимга тўғри келганлигини ўзингиз биласиз. Энди шу практика мантиқан расмийлашади.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда, мен СССР Олий Совети қабул қилган қарор зиммамга қандай катта қўшимча масъулият юклашини равшан тасаввур қила оламан. Очигини айтганимда, бу осон иш эмас. Бинобарин, шу борада ҳам сизнинг ёрдамингизга, сизнинг фикрларингизга ва мададингизга таянаман.

Мен СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида ишлаганман, кўп йиллар Президиум аъзоси бўлиб, шу органнинг қучи — уюшқоқлик билан аҳил ишлашимиздир, деган қатъий бир хулосага келганман. Партиямиз ва давлатимиз ўтказиб келаётган раҳбарликнинг коллективлик принципи шу ерда тўла-тўкис намоён бўлмоғи лозим.

Айни маҳалда ҳар қандай партия органи ёки давлат органи ўнинг составига киришни ҳар бир киши, ҳар бир ходим ўзининг бутун куч-ғайратини тамомила ишга солиб меҳнат қилган, муштарак ишимизга ўзини бағишлаган тақдирдагина яхши ишлайди. Ҳаммангиз шу фикрга қўшилсангиз керак, деб ўйлайман, ўртоқлар.

Олий Совет диққат марказида турган масалалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, у қонунларни ривожлантиришга, план ва бюджетни кўриб чиқишга эътиборни бўшаштирмагани ҳолда, хўжалик ва маданиятнинг турли соҳаларидаги ишларнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларни тобора тез-тез ҳал этаяпти, ҳукуматнинг ушбу масалалар юзасидан қиладиган докладларини тинглаяпти. Олий Советнинг бугун ўз ишини тамомлаган сессияси бунинг яққол далилидир. СССР Олий Советининг бошқариш органлари устидан назорати собитқадамлик билан тобора чуқурлашиб бормоқда. Партиямизнинг съездларида уқтириб ўтилганидек, бу ишда 30 та доимий комиссия муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Олий Совет депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи шу комиссияларда ишламоқда.

(Давоми 2-бетда).

МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАР КЕНГАШИ

Кеча область партия комитетининг кенгайтирилган бюро йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мусобақадош Жиззах области ўзаро текшириш комиссиясининг иш якунлари кўриб чиқилди. Жиззах область партия комитетининг секретари М. Х. Ҳасанов пойтахт области деҳқонларининг шу кунларда қилаётган ишлари ҳақида батафсил гапирди. У пахтакорлар, ғаллакорлар, саб-завоткорлар ва чорвадорлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўйини муносиб совғалар билан нишонлаш соҳасида зўр ғайрат кўрсатиб ишлаётганликларини мамнуният билан қайд қилди. Шу билан бирга ўртоқ Ҳасанов дала ишларида йўл қўйилган айрим камчиликларни кўрсатиб ўтди. Мусобақадошлар камчиликларни дарҳол тугатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришди.

Бюро йиғилишида Тошкент область жойроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов, Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов, Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси М. М. Муллаева ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский мусобақадошларнинг ўртоқона маслаҳатлари ва таклифлари учун чин қалбдан ташаккур билдирди. Тошкентликлар жиззахликларнинг маслаҳатларига амал қилиб, барча куч ва резервларни ишга соладилар, Улуғ Октябрнинг шонли юбилейини муносиб меҳнат ғалабалари билан нишонлайдилар деб ишонч билдирди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА, КОММУНИЗМ ЙЎЛИДА

(Бошн 1-бетда).

Депутат ўрмон индустриясини техника билан қайта қуроллантириш ҳақида, ўрмонларни тиклаш соҳасидаги технологияни такомиллаштириш ҳақида, давлатга қарашли ўрмонларни муҳофаза қилиш ролини ошириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди.

Сўзга чиққан депутатлар «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги Қонун асослари» лойиҳасини доимий комиссиялар томонидан киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар билан маъқуллашни таклиф этдилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати составида баъзи ўзгаришлар содир бўлганлиги муносабати билан Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияси ва ташқи ишлар комиссияси составини бир мунча ўзгартирди.

Шу билан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг мажлиси тамом бўлди.

* * *

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси Кремлнинг палаталар мажлиси залида соат 14 да бошланди.

Депутатлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Совети мандат комиссиясининг раиси депутат **Э. А. Шеварднадзенинг** шу комиссия доклади юзасидан Молдавия ССРдан янги сайланган депутатнинг ваколатини тасдиқлади.

Миллатлар Советининг раиси депутат **В. П. Рубен** олиб борган мажлисда ўрмонларни мудофаа қилишни яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳақидаги ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги Қонун асослари» лойиҳасини доимий комиссиялар томонидан киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар билан маъқуллашни таклиф этдилар.

Комиссиялар қонун асосларининг лойиҳаси юзасидан барча таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқдилар ҳамда унга баъзи тузатиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиладилар. В. А. Карлов сессияга шулар тўғрисида ахборот берди.

Доимий комиссиялар СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг СССР ҳукумати томонидан тақдим этилган лойиҳасини маъқуллайдилар ва уни комиссияларнинг тузатишлари ва қўшимчалари билан тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Комиссиялар СССР Олий Советининг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» ги қарорини қабул қилиш тўғрисида ҳам таклиф киритадилар.

Чернигов область партия комитетининг биринчи секретари, депутат **Н. В. Умянец** сўзга чиқади.

Нотиқ Чернигов области территориясида ўрмон бойликлари мавжуд эканлиги ҳақида, бу бойликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирлари тўғрисида гапирди. У табиий бойликларни муҳофаза қилишни ва фидокорона меҳнати билан бутун дунёда Коммунистик партия ва совет давлатининг энг обрўли намояндаси сифатида танилди.

Қишлоқ хўжалиги комиссиясининг раиси депутат **В. А. Карлов** қишлоқ хўжалиги, қонун лойиҳалари тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш, саноат бўйича комиссиялар номидан қўшимча доклад қилди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ва уларга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ССР Олий Советининг мазкур сессиясига ССР ҳукумати томонидан ишлаб чиқилиб тақдим этилиши, деб сўзини давом эттирди депутат, табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида Коммунистик партия билан совет давлати ғамхўрлигининг янги ифодасидир.

Қонун асосларининг лойиҳаси ҳамма жойда тўла маъқуллаяпмоқда. Унинг муҳокама қилиниши жамиятимиз кенг демократизмини, ўрмонларни қайта тиклашдан оқилона комплекс фойдаланиш ва ўрмонларни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишдан меҳнаткашларнинг фаол манфаатдорлигини, совет гражданларининг сиёсий активлиги ва онглилигининг юксак даражасини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатмоқда.

Комиссиялар қонун асосларининг лойиҳаси юзасидан барча таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқдилар ҳамда унга баъзи тузатиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиладилар. В. А. Карлов сессияга шулар тўғрисида ахборот берди.

Доимий комиссиялар СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг СССР ҳукумати томонидан тақдим этилган лойиҳасини маъқуллайдилар ва уни комиссияларнинг тузатишлари ва қўшимчалари билан тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Комиссиялар СССР Олий Советининг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» ги қарорини қабул қилиш тўғрисида ҳам таклиф киритадилар.

Чернигов область партия комитетининг биринчи секретари, депутат **Н. В. Умянец** сўзга чиқади.

Нотиқ Чернигов области территориясида ўрмон бойликлари мавжуд эканлиги ҳақида, бу бойликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида гапирди. У табиий бойликларни муҳофаза қилишда олимларнинг ўрмон хўжалиги меҳнаткашларига ёрдамини кучайтириш ҳақида таклиф киритди.

Белоруссия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. Ф. Мицкевич** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Республикадаги ўрмонзорлар бутун территориянинг ташкил этади. Совет ҳокимияти йилларида бу ўрмонзорлар 1 миллион 800 минг гектардан ҳам зиёд кўпайди.

Ўрмонларни муҳофаза этиш ва кўпайтира борыш, уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, деди СССР Министрлар Совети Давлат комитетининг Раиси депутат **Г. И. Воробьев**, атроф-муҳитни сақлашни таъминлашнинг муҳим қисмидир.

Нотиқ ўрмон массивларини ёнғин ва зараркунандалардан муҳофаза қилиш проблемаларига тўхталиб ўтди, жамоатчиликнинг бу соҳада катта роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

Молдавия ССР қолхозлар иттифоқининг Раиси, депутат **Н. М. Зайченко** минбарга чиқади. У айтдики, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси ҳозир муҳокама қилинмоқда. Олий Совет бу лойиҳани қабул қилиш билан асосий табиий ресурслар тўғрисидаги қонуннинг кодексини тузиш тугалланади.

КПСС Карелия область комитетининг биринчи секретари, депутат **И. И. Сенькин** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: автоном республикамизнинг меҳнаткашлари СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Қонун асослари лойиҳаси меҳнаткашлар коллективларида кенг муҳокама қилинди ва якдиллик билан маъқулланди. Шу билан бирга, сўзга чиққан кишилар ўрмонзорлардан узлуксиз ва мақбул тарзда фойдаланиш принципи ўрмон хўжалигини тўғри уюштириш учун асос қилиб олиниши лозим эканлигини таъкидладилар.

Красноярск ўлка совет ижроия комитетининг раиси, депутат **Н. Ф. Татарчук** ўз нутқини ўрмон бойликларидан комплекс фойдаланишга бағишлади. Мамлакатдаги ўрмон ресурсларининг талайгина қисми, деди у, ўлка территориясида жойлашган. Бу ерда ёғочсозлик саноатининг энг йирик ҳом ашё базаси вужудга келтирилган. Ўлкада ёғоч-тахта, қоғоз, ёғоч плита ва бошқа маҳсулотлар кўп миқдорда тайёрланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси ўрмонларнинг неъматидан комплекс фойдаланиш самарасидир. Бу соҳадаги иш такомиллаштирилмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Қозоғистон ўрмон хўжалиги ривожланган республикага айланди. Қозоғистон ССР экономикасида ўрмонлар тобора катта аҳамият касб этмоқда. Усть-Каменогорск қўрғошин-руҳ комбинатининг директори, депутат **И. С. Воронин** шу ҳақда гапириб, атроф-муҳитни саноат чиқиндиларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш проблемаларига батафсил тўхталиб ўтди.

ССР ўрмон ва ёғочсозлик саноати министри, депутат **Н. В. Тимофеев** айтдики, шу тармоқдаги ходимлар ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилишда актив қатнашдилар.

ССР Фанлар академияси Бошқирдистон филиали президиумининг раиси, депутат **С. Р. Рафиқов** партия таблий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўлини кўрсатиб бераётганлигини, табиатни муҳофаза қилиш йўлидаги қурашни кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашганлигини уқтирио ўтди.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг секретари, депутат **Э. Я. Аушкап** бундай деди: Латвия ССРда ўрмонлар республика территориясининг учдан бир қисмидан кўпрогини эгаллайди. Республикадаги партия, совет, хўжалик органлари ўрмон хўжалигини ривожлантиришга доим катта эътибор бермоқдалар. Илмий тавсиялар асосида ўрмонзорларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш тадбирлари амалга оширилди.

Иссиққўл область партия комитетининг биринчи секретари, депутат **А. Дуйшеев** бундай деди: саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги табиий бойликларни ғоят самарали ва тежаб сарф қилишни талаб этади. Бу гап ўрмон бойликларига ҳам тамомила тааллуқлидир. Депутат ўрмонларни сақлаш ва кўпайтириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди, ўрмонларни табиий офат ва зараркунандалардан яхши ҳимоя қилиш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

ССР Целлюлоза-қоғоз саноати министри, депутат **К. И. Галаншин** айтдики, бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1960 йилдан буён уч ярим баравар ортди.

Министр шу соҳа меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани ривожлантирганликлари тўғрисида гапирди. У целлюлоза-қоғоз саноати давлат плани ва мукобил планни бажаради, деди.

* * *

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини ҳар томонлама батафсил муҳокама қилдилар.

Ана шу муҳим қонунларнинг СССР Олий Советининг ушбу сессиясида қабул қилиниши СССР янги Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси билан бир вақтга тўғри келди. Шу ғоят муҳим ҳужжатда табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ўсиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилади. Ўрмонлар эса табиий ресурсларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Депутатлар Ўз нутқларида Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳамиша зўр эътибор билан қараб, уларга ғоят катта аҳамият бераётганликлари ҳақида гапирдилар. Бу масалалар мамлакат жамоатчилиги томонидан ва ССР Олий Советининг ушбу сессиясида кенг муҳокама қилинганлиги —бунинг ёрқин далилидир. Ана шу масалаларнинг бундай кенг муҳокама этилиши атроф муҳитни яхшилаш, мамлакатнинг табиий бойликларини кўпайтириш ва унинг иқтисодий потенциалини юксалтириш тўғрисида, халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бизда қилинаётган зўр ғамхўрликни кўрсатиб турибди. Буларнинг ҳаммаси КПССнинг, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги унинг ленинчи Марказий Комитети иқтисодий сиёсатининг асосий мазмунидир.

СССР Министрлар Совети тақдим этган ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ушбу сессияда муҳокама қилинганлиги, деб давом этди З. Н. Нуриев, бу қонун ўрмон маҳсулотларини ошириш, уларни узлуксиз кўпайтиришни яхшилаш ва муҳофаза қилишни кучайтириш, ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланишни таъминлаш талабларига мос экалигини кўрсатди. Депутатнинг нутқларида кўрсатиб ўтилгандек, бу лойиҳа мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда совет халқининг моддий ва маданий савиясини ўстириш ҳақидаги КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларга мосдир. Бу лойиҳани СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олиб қабул этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

«Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисида» СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасини ҳам қабул қилиш таклиф этилади.

З. Н. Нуриев пировардида бундай деди: ана шу қонунларнинг қабул қилиниши коммунистик қурилиш ишига, совет халқининг фаровонлигини янада ошириш ишига хизмат қилади.

Депутатлар СССР Олий Советининг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисида» СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасини ҳам қабул қилиш таклиф этилади.

Сўнгра депутатлар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларини тасдиқлаш ҳақида»ги қонунини бир овоздан қабул қиладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари, депутат **М. П. Георгадзе** СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди.

Биз ҳаммамиз, деди у, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг барча депутатлари, Олий Советнинг бутун состави КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Коммунистик партия ва совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига баланд руҳ билан сайлаганликларидан иборат ҳақиқатдан ҳам тарихий фактнинг унутилмас таассуроти билан яшамоқдамиз.

Якдиллик билан қабул қилинган СССР Олий Советининг тарихий қарори — биз, СССР Олий Совети депутатларининг ҳохиш —иродаси бўлиб қолмай, бу — халқ вакиллари —Советлар депутатларининг икки миллиондан кўпроқ бутун армияси хохиш-иродасининг ифодаси эканлигини ҳар биримиз яхши тушунамиз ва чуқур англаймиз. Бу —улуғ кўч миллатли ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча халқларининг хохиш-иродасидир!

Қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневнинг яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги ҳаммамизнинг ижодий гайратимизни кучайтириб юборди, совет давлатининг бахт-саодати йўлида, бутун халқимиз фаровонлиги ва бахти йўлида, коммунизм тантанаси йўлида янада астойдил ишлаш чстагини кучайтириб юборди.

Ушбу сессия, деб давом этди нотиқ, бутун совет халқи СССРнинг асосий қонуни —Конституция лойиҳасини муҳокама қилаётган бир даврда ўтмоқда.

СССР Конституциясининг лойиҳаси устида олиб борилаётган ишнинг янги босқичи бошланганлиги муносабати билан Олий Совет Президиуми «Конституция комиссиясининг составини тўлдириш тўғрисида» 1977 йил 29 апрелда фармон қабул қилган эди. Ана шу фармонга мувофиқ Конституция комиссияси составига комиссия составидан чиқиб қолган унинг аъзолари ўрнига бир қанча депутатлар сайланди.

«Конституция комиссиясининг составини тўлдириш тўғрисида»ги фармон СССР Олий Советининг тасдигига ҳавола этилади.

Сўнгра докладчи айтдики, тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессиясидан кейин ўтган давр ичида Олий Совет Президиуми бошқа муҳим фармонларни ҳам қабул қилди. Бу фармонлар СССР Олий Советининг тасдигига қўйилмоқда. М. П. Георгадзе ана шу фармонлар тўғрисида сессияга ахборот берди.

Депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини бир овоздан тасдиқлаб, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилдилар.

Мажлис охирида раислик қилувчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлиги муносабати билан меҳнат коллективларидан ва гражданлардан Олий Советга кўплаб қутловлар ва табрикномалар келаётганлигини маълум қилди .Бу қутловлар ва табрикномаларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни юксак давлат лавозимига сайлаш тўғрисидаги қарор яқдиллик билан қўллаб-қувватланганлиги ва қизғин маъқулланганлиги ўз ифодасини топган. Депутатлар бу хабарни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

(Бошк 1-бетда).

Партиямизнинг Олий Совет фаолиятининг ҳамма томонларини янада ривожлантириш борасидаги қарорларини амалга ошириш учун СССР Олий Совети Президиумининг иши янада актив бўлмоғи керак, албатта, ўртоқлар. Эндиликда, СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганида Олий Совет Президиумининг шундай актив позицияси, ташаббускорлик ишлари айниқса муҳим бўлади, деб ўйлайман. Янги Конституция Олий Советга ўз фаолиятини яхшилаш учун янада каттароқ имкониятлар очиб беради. Биз сиз билан шу имкониятларни мумкин қадар тўлароқ ва самарали равишда ўзлаштира боришимиз керак бўлади.

Мен бунда нималарни кўзда тутаяпман?

Даставвал мен шуни кўзда тутаяпманки, янги Конституцияда Олий Советнинг ҳар томонлама ваколати янада равшанроқ мустаҳкамланади. У ССР Иттифоқи компетенциясига кирувчи ҳар қандай масалани кўриб чиқиб, ҳал эта олади.

Олий Совет Президиуми шу ваколатларнинг кўпчилик қисмини бажаради. Шу муносабат билан Президиум СССР Олий Совети ҳамма ишларининг ташкилотчиси бўлиб қолади. Сессиялар, доимий комиссияларнинг фаолияти, сайлов округларида депутатлар ўз вазифаларини бажаришлари шулар жумласидандир. Мамлакат ҳокимиятининг олий органи ишининг ана шу ҳар бир формасидан тўла-тўкис фойдаланиш лозим. Улар ҳамма асосий соҳаларда Олий Совет фаолиятининг кучайишига янада яхшироқ хизмат қилиши керак.

Янги Конституция қонуничилик ишларини янада кучайтириш учун негиз бўлиб қолади. Конституция лойиҳасининг ўзида яқин вақтлар ичида қабул қилиш керак бўлган ўнга яқин қонунлар айтиб ўтилганлигини эслатиш кифоя. Булар орасида Олий Совет регламенти, СССР Министрлар Совети тўғрисидаги қонун, сайлов, халқ контроли тўғрисидаги қонунлар ва шу каби бошқа катта-катта қонун актлари бор.

Мен бу ерда ушбу масаланинг бошқа бир томонига ҳам эътиборни жалб қилишни истардим. Биз совет қонунларини янада ривожлантира борган сайин, уларнинг қатъий ва сўзсиз бажарилиши тўғрисида ҳам шу қадар кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз лозим. Эскидан бир гап бор. Бажарилмайдиган бўлса бундай қонун чиқаришнинг нима кераги бор, дейилади. Шунинг учун ҳам, афтидан қонунларимиз қандай бажарилаётганлигини, Олий Совет тасдиқлаган халқ хўжалик планлари ва давлат бюджети қандай амалга оширилаётганлигини назорат қилувчи Олий Совет, Олий Совет Президиуми доимий комиссияларининг ишини янада активлаштириш керак бўлади.

Халқ депутатлари советларига раҳбарлик қилиш янги Конституцияга мувофиқ СССР Олий Совети ва унинг президиуми фаолияти шубҳасиз ривожланиб борадиган энг муҳим йўналишдир.

Ҳамма советлар — хоҳ Олий Совет, хоҳ маҳаллий Совет—Давлат ҳокимияти органларининг ягона бир системасини, умумхалқ давлати сиёсий негизини ташкил этишни Конституция лойиҳаси яна бир карра таъкидлайди.

Коммунистик партия ҳар қандай Советимиз халқ ҳокимиятининг бир қисми, Советлар ўз компетенциясига киритилган ҳамма масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлишидан ташқари умумдавлат қарорларини ўтказувчи бўғин сифатида ҳам иш кўради, деган принципга ҳамиша асосланиб келди. Бу, ўртоқлар, ниҳоятда муҳим принципдир. Олий ва маҳаллий органларнинг бундай бирлиги, олий ҳокимиятнинг жойларда бошланган ташаббусга суянишн Советларнинг халқ оммаси билан чамбарчас алоқада бўлишан иборат асосий моҳиятини акс эттиради.

ССР Иттифоқи республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқариш органлари ташкилоти ва фаолиятининг умумий негизларини белгилаши Конституцияда ёзиб қўйиладиган бўлгач, СССР Олий Совети ва унинг президиуми шу соҳадаги ишларини жиддий равишда кучайтиришга лозим бўлади.

В. И. Ленин «Советлар қотиб қолган, ўз-ўзи билан овора бўлган бир нарсага айланиб кетса, ундан ортиқ бемазагарчилик бўлмайди», деб неча марта таъкидлаганди. Дарҳақиқат, ўртоқлар, Советлар — халқнинг жонли, ҳаракатчан, доимо янгланиб турувчи ташкилотидир. Ўз вақтида Советлар омманинг революцион ҳаракатини, омманинг социализм қуришдаги куч-ғайратларини умумий бир ўзанга сола билгани каби, эндиликда етук социализм шароитларида Советларнинг иши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, партия белгилаб берган катта социал программани бажариш, социалистик демократиямизнинг ҳамма томонларини ривожлантириш яъни коммунизм қуриш вазифаларини ҳал этиш учун олиб борилаётган курашни янада тўлароқ ўз ичига олмоғи керак.

Маълумки, СССР Олий Совети ва унинг президиуми фаолиятида ташқи сиёсат масалалари жуда муҳим роль ўйнайди.

Коммунистик партия ва совет давлати тинчликни мустаҳкамлаш, янги жаҳон уруши хавф-хатарини камайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, социализм позицияларини, халқларнинг озодлиги ва социал тараққиёт учун барча давлатлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишлари учун курашаётган ҳамма кучларнинг позицияларини мустаҳкамлашга доимо куч-ғайрат сарфлаб келмоқдалар. Бу куч-ғайратлар бутун халқимизнинг қатъий продасига таянмоқда, ер юзининг ҳамма қисмидаги миллион-миллион яхши ниятли кишилар руҳ билан тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Янги Конституциянинг лойиҳасида совет ташқи сиёсатининг туб принципларини аниқ — равшан ифодалаб берилган. СССР Олий Совети, унинг президиуми, доимий комиссиялари, депутатлари мана шу принципларни амалга оширишга, чет мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишга даъват этилгандирлар.

Халқимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини кутиб олишга тараддуд кўраётган, ҳамма ерда мамлакат янги асосий қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинаётган ҳозирги вақтда Ленинчи партиямиз белгилаб берган планларни амалга оширишда, коммунизм қуришда совет кишиларининг актив ва ижодий қатнашаётганликлари айниқса яққол сезилмоқда.

Халқнинг партия ва ҳукуматга ишончи зиммамизга кўп вазифаларни юклайди. Бу ишонч ҳаммамиздан янада яхшироқ ишлашни, совет кишиларининг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларига янада кўпроқ эътибор беришимизни тақозо қилади.

19 июнь куни бутун мамлакатда маҳаллий Советларга сайлов ўтказилади. Бу сайлов халқнинг бирлигини, унинг Коммунистик партия теварагида метиндек жипслигини яна бир карра намойиш этишига шак — шубҳа йўқ.

Шунинг учун ҳам Олий Совет Президиуми бугунги мажлисининг кун тартибига икки республикамиз—Украина ва Литва Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этишга оид ишлари тўғрисидаги масала киритилганлиги табиий бир ҳолдир.

* * *

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **А. Ф. Ватченко**га сўз берилади. У Леонид Ильич Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги, совет давлатининг бошлиғидек юксак ва масъулиятли лавозимни бажаришга киришганлиги муносабати билан президиум аъзолари ва шу ерда ҳозир бўлган ўртоқлар номидан уни самимий, қизғин муборакбод қилди. У Л. И. Брежневга Коммунистик партия, Совет давлатининг манфаатлари, улуғ халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги хормас —толмас фаолиятида янада катта муваффақиятлар тилади.

А. Ф. Ватченко Украина меҳнаткашлар депутатлари Советлари Конституция лойиҳасини кенг кўламда муҳокама қилишни қандай ташкил этганликлари тўғрисида гапирнб, давлатимиз асосий қонуни моддаларини меҳнаткашларга чуқур тушунтириб беришда маҳаллий советларга бўлажак сайловга тайёргарликдан кенг кўламда фойдаланилаётганлигини таъкидлади. Ҳамма сайлов олди йиғилишлари ва депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари Конституция лойиҳасини ва КПСС Марказий Комитетининг Май Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладини мухокама ва пропаганда қилиш белгиси остида ўтказилди. Украина ССР Олий Советининг сессиясида, шунингдек янгидан сайланган ҳамма маҳаллий советларнинг биринчи сессияларида ана шу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар муҳокама қилинади.

Сўнгра Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **А. С. Баркаускас** нутқ сўзлади. У республиканинг умумхалқ муҳокамасини ташкил этишга оид ишлари тўғрисидаги масала киритилганлиги табиий бир ҳолдир.

* * *

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **А. Ф. Ватченко**га сўз берилади. У Леонид Ильич Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги, совет давлатининг бошлиғидек юксак ва масъулиятли лавозимни бажаришга киришганлиги муносабати билан президиум аъзолари ва шу ерда ҳозир бўлган ўртоқлар номидан уни самимий, қизғин муборакбод қилди. У Л. И. Брежневга Коммунистик партия, Совет давлатининг манфаатлари, улуғ халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги хормас —толмас фаолиятида янада катта муваффақиятлар тилади.

А. Ф. Ватченко Украина меҳнаткашлар депутатлари Советлари Конституция лойиҳасини кенг кўламда муҳокама қилишни қандай ташкил этганликлари тўғрисида гапирнб, давлатимиз асосий қонуни моддаларини меҳнаткашларга чуқур тушунтириб беришда маҳаллий советларга бўлажак сайловга тайёргарликдан кенг кўламда фойдаланилаётганлигини таъкидлади. Ҳамма сайлов олди йиғилишлари ва депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари Конституция лойиҳасини ва КПСС Марказий Комитетининг Май Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладини мухокама ва пропаганда қилиш белгиси остида ўтказилди. Украина ССР Олий Советининг сессиясида, шунингдек янгидан сайланган ҳамма маҳаллий советларнинг биринчи сессияларида ана шу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар муҳокама қилинади.

Сўнгра Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **А. С. Баркаускас** нутқ сўзлади. У республиканинг умумхалқ муҳокамаси

19 ИЮНЬ маҳаллий советларга сайловлар куни

ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

И Ш О Н Ч

У ИИҒИЛИШДАН чиққанида ўзини қўярга жой топмас эди. Қалбидаги шодлик шундоққина юзига балқиб чиққан, тезроқ уйига етиб олгиси, қувончини хонадонидагилар билан баҳам кўргиси келар эди. Бугун уни — оддий сут соғувчи қиз Карима Фармоновани совхоз ишчилари, чорвадорлар 130-Қорахитой сайлов округидан область Совети депутатлигига иккинчи марта номзод қилиб кўрсатишди.

Бунга ўз-ўзидан эришилмади. Ёш Каримanинг босиб ўтган йўли, тўккан пешона тери орқали қўлга киритилди бу ишонч.

Сут-товар фермасидаги аёлларнинг шонли меҳнати туфайли орттирган обрў-эътибори Каримада мактабда ўқиб юрганидаёқ алоҳида ҳавас туғдирганди. Шу туфайли 1973 йилда ўнинчи синфни тугатди-ю, шу ерга йўл олди.

Биринчи кунданоқ соғувчи қиз устозлар маслаҳати ва тажрибаси асосида иш кўра бошлади. Боқимидаги сигирлар парваришини яхши йўлга қўйди. Барвақт иш бошлаб, кеч қайтди.

Ёшлик ҳамиша янгиликка, ташаббусга интилади. Карима ҳам коллектив ҳаётига сингиб борган сайин пешқадамлар сафидан ўрин ола бошлади. Жамоат ишларида актив қатнашди, социалистик мусобақа ташкилотчиси сифатида кўп марталаб шахсий ўрнак кўрсатди. 1974 йилда қарамоғидаги ҳар бош сигирдан 2400 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олган бўлса, бу кўрсаткични тинимсиз ошириб бориб, ўтган йили 3100 килограммга етказди.

Карима ва у каби соғувчиларнинг ғайрати яхши самаралар берди. Улар меҳнат қилаётган 1-бўлим совхозининг илғор коллективларидан бирига айланди. Жумладан, ўтган йили яхши натижага эришилди. 149 бош сигирдан 424 ўринга 460 тонна сут соғиб олинди. Юбилей йили ярим йиллик плани эса 15 майгача бажарилди. Бу ютуққа илғор соғувчи Карима Фармонова ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Меҳнат соҳасидаги ютуқлари ташаббускорлиги билан бир бўлди-ю, Карима коллективда секин-аста ҳурмат қозона бошлади. Сиёсий ахборотчи ва ташкилотчи сифатида партия қарорларини омма орасида тушунтириш, турмуш маданиятини кўтариш борасида бир мунча ибратли ишларга бош қўшди. Маҳаллий Советларга бўлган ўтган сайловда уни область Совети депутатлигига ҳам ана шу хислатлари эвазига кўрсатишган эди.

Сергайрат қиз ҳамкишлоқлари ишончини шараф билан оқлади. 5 минг кишилик Қорахитой, Унгут ва Тут қишлоқлари аҳолисининг кўпгина наказларини сифатли қилиб бажарди. Савдо, маориф ва маиший хизмат соҳасидаги айрим камчиликлар тугатилди. Ишчи, чорвадор ва хизматчилар ҳозир ўзларига кўрсатилаётган намунали хизмат турларидан миннатдор.

Шонли коммунистлар партияси сафига қабул қилинганидан сўнг К. Фармонова меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини кўтаришга ўз улушини қўшишга астойдил бел боғлади. Партия гуруҳаси аъзоси сифатида жойларда озуқа базасидан фойдаланиш, қорамолларни рацион асосида озиқлантириш масалаларини назорат қилиб борди. Ўзи эса ҳамиша илғорлар сафида меҳнат намунасини кўрсатди.


Ҳозирги йигилишда Карима сайловчиларга ана шулар — бажарилган наказлар ва эришган шахсий ютуқлари ҳақида гапириб берди. Бу йил пландаги 450 ўринга 514 тонна сут соғиб олишга аҳд қилган бўлимининг моҳир «оқ чашма» ижодкорлари ҳақида айниқса тўлқинланиб сўзлади. Жумладан, бу йил ҳар бош сигирдан 3300 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олганлиги, дугоналарининг бу ташаббусга яқдиллик билан қўшилганлигини ҳам йиғилганларга маълум қилди. Депутат қизнинг ғайрат-шижоатига кўпчилик таҳсин ўқиди.

Карима ҳозирги кунда ферма ёшлари орасида ташкил этилган социалистик мусобақага бошчилик қилмоқда. Бу мусобақа якунлари ҳар 15 кунда маълум қилинади. Илғорлар номи эса, мақтов варақасида қайд этилади. Йил охирига бориб, мунтазам пешқадамликни қўлга киритган соғувчилар модний рағбатлантирилади-лар.

К. Фармонова ферма коллективи орасида агитатор сифатида ҳам яхши танилган. Яқинда у чорвадорлар билан янги Конституция лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган суҳбат ўтказди. Унда ёш соғувчи ўзи ишлаётган жойдаги кишилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида турмуш фаровонлигининг ортиб бораётганлигини ҳикоя қилиб берди. У СССР Конституциясининг ҳар бир сатри одамлар бахт-саодатини ифода этиш туйғулари билан суғорилганлигини таъкидлади.

Эртага сайловчилар ўзларининг ана шундай номзодлари учун овоз берадилар.

Т. ХУШНАЗАРОВ,
Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози.



Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг марказий посёлкаси кундан-кунга чирой очмоқда. Бу ердаги қурилиш ишлари бош план асосида олиб борилмоқда. Тез кунларда мактаб, болалар боғчалари, магазин ва бошқа маданий-маиший муассасалар қад кўтаради. Суратда: колхозчиларнинг янги турар-жой бинолари.

Г. Пун ва С. Метелиц фотоси.

(ЎзТАГ).

ПОСЁЛКАМИЗ ЧИРОЙИ

Посёлкамизнинг қиёфаси ҳам сайловдан-сайловгача бўлган муддат ичида анча ўзгарди. Ишчилар, соҳиб-корлар учун кўплаб қулайликлар вужудга келди.

Посёлкада қад кўтарган турар-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар, магазин ва клублар сони ортди. Яқиндагина 10 та уй қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг ўзида боғ ва йўл ёқаларига 800 тупдан зиёд кўчат экилди.

Депутатлар аҳолига кўрсатилаётган хизматларни намунали йўлга қўйиш учун курашмоқдалар. Қишлоқда қад кўтарган поликлиника беморларга кўнгилдагидек медицина хизмати кўрсатяпти. Клублар ҳар кеч ёшлар билан гавжум. Бахт уйи, кинотеатрларимиз, «Гўзал» универмаги ҳам меҳнаткашлар хизматида. Кўплаб кутубхоналар, «Болалар дунёси» магазини ва 20-бочка фаолияти яхшиланаётир. Депутатларимиз киишлар дунёқарашини шакллантириш ва коммунистик тарбияни кучайтириш йўлида ҳам кўплаб тадбирларни амалга оширишяпти.

Келгусида амалга оширишни мўлжаллаган ишларимиз ҳажми ҳам катта. Яна 500 хонадон телефон хизматидан баҳраманд бўлади. 1977 йилнинг ўзидагина фақат ободонлаштириш ишларига 25 минг сўм сарфланади. Ғафур Ғулом кўчаси тўла асфальтлаштирилади. 50-ўрта мактаб атрофида гулзорлар барпо этилади. Меҳнаткашларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун кўркам ва соя-салқин жойлар янада кўпаяди.

Бу ишларнинг ҳаммаси посёлка Советининг депутатлари ёрдамида амалга оширилди. Шубҳа йўқки, посёлка Совети депутатлигига номзод кўрсатилган халқ фарзандлари ҳам Қибрай кўркига-кўрк қўшиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

К. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Оржоникидзе районидаги Қибрай посёлка Советининг раиси.

АГИТПУНКТЛАР БАЙРАМ АРАФАСИДА

БЕКОБОД. Агитпункт шу куни ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Йиғилганларнинг ҳар қайсиси ўз иши билан машғул. Биров шахмат тахтаси устида бош қотираётган бўлса, бошқа биров газета-журналлар кўриш билан банд. Баъзиларни эса совхоз, хусусан унинг биринчи бўлими эришган ютуқлар ифодаланган диаграммалар қизиқтиради.

Бўлимда ташкил этилган агитпунктда бу йилги маҳаллий Советларга сайловларга катта тайёргарлик кўрилди. Агитпункт мудири Абдуназар Отабоевнинг иш планига кўра бу галги кеча авваллгилардан тантанаворлиги билан фарқ қилади. Сайловчилар билан учрашувга совхозда меҳнат қилаётган, адабиётга, санъатга меҳр қўйган ёшлар тўпланадилар.

Кечқурун маройли ўтган бу учрашувдан сўнг агитаторлардан Ў. Юнусов, М. Сирожиддиновларнинг сайловга тайёргарлик даврида олиб борган ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди. Совхознинг бошқа бўлимларидаги агитпунктларда ҳам шу куни қатор оммавий тадбирлар бўлиб ўтди.

К. МАВЛОНОВ.

* * *

АНГРЕН. Абдуллажон Ғаффоровнинг «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли шахтада меҳнат қилаётганига кўп йиллар бўлди. У кон ишига ёшлигиданоқ меҳр қўйди. Ана шу даврлар ичида шахтёр Октябрь революцияси ордени, бир неча медаллар кавалери, социалистик мусобақа голиби сифатида катта ҳурмат қозонди.

Шахта ветеранларининг ҳикоясига қараганда А. Ғаффоров кон ишидаги барча мутахассисликларни яхши эгаллаган. Кўмирни конвейерларга юклаш, проходка, қазиш, забойларни мустаҳкамлаш, слесарлик касбларини у шараф билан бажаради. Бу йил унинг номи шаҳар Советининг депутатлигига кўрсатилди. Абдуллажон республикага машҳур шахтёр, КПСС XXV съезди-нинг делегати Абдураҳмон Маматов бригадасида ишлайди. Бу бригада меҳнат унумдорлигини ошириш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Бригада смена давомида планга қўшимча ўн-ўн беш тоннадан кўпроқ кўмир қазиб олишга эришмоқда. Ҳар бир шахтёр эса бир смена жараёнида пландаги 14,5 ўрнига 18 тоннадан кўмир қазимоқда. Унда бригада коллективи ишнинг сифатли бўлишига, забойларни мустаҳкамлашда ишлатиладиган ёғоч ва тахта материалларининг бехуда исроф бўлмаслигига алоҳида эътибор бермоқда.

Яқинда шахта агитпунктида бўлиб ўтган йиғилишда А. Ғаффоров сайловчиларга ўз бригадасининг ана шу ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Сайловчилар кўплаб шогирдлар етиштирган илғор шахтёрнинг номзоди учун эртага яқдиллик билан овоз беражакларини билдирдилар.

Ф. ПЕТРОВ.

* * *

ЧИРЧИҚ. Сўнгги йиллар ичида бу ерда кўплаб шинам бинолар қад кўтарди. Уларда инженерлик коммуникациялари иши яхшиланди. Янги квартираларга кўчиб кираётган кишилар бинокорларнинг юксак дид билан сифатли ишлаётганликларини қайд қилиб, уларга миннатдорчиликлар билдирмоқдалар. Аҳолининг ана шундай эъзозига сазовор бўлганлар орасида шаҳар қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати қолиплаш цехининг ишчиси Нортой Ашуров ҳам бор. Қурувчининг бу соҳада ишлаётганига роппа-роса ўн йил бўлди. Ана шу вақт мобайнида у ғишт терувчилик, сувоқчилик касбларини яхши эгаллаб олди. 6-разрядли қурувчи деган даражага эришди.

Комбинатда Н. Ашуровни пешқадам қурувчи сифатидагина эмас, меҳрибон мураббий сифатида ҳам танишади. У бу йил иккинчи бора шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилмоқда. Депутат олдинги сайловлардан буён ўтган вақт ичида шаҳар кўчаларини ободонлаштириш, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг уйларини ремонт қилиб бериш тўғрисидаги қатор наказларни бажарди. Унинг номзоди кўрсатилаётган Сайлов участкасининг агитпунктида Н. Ашуров таржимаи ҳолига оид анчагина маълумотлар келтирилган.

А. ПОРТНОЙ.

ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

Янгийўл пахта тозалаш заводининг агитпунктида шу кунгача 30 нафар агитатор сайловчилар билан иш олиб борди. Улар барча оммавий-ташкилий ишларни корхона коллективининг меҳнатдаги активлигини оширишга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга қаратдилар.

Завод ишчилари бу шонли санага муносиб совға тайёрладилар. Беш ойлик планга қўшимча бир миллион сўмдан ортиқроқ маҳсулот реализация қилинди. Мамлакатимизнинг тўқимачилик фабрикаларига ва чет эллик буюртмачиларга кўзда тутилганидан 700 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта толаси жўнатилди.

Кеча сайловчилар билан бўлган суҳбатда агитаторлардан А. Нигматуллина, Р. Ячевская, М. Муҳамедовалар шулар ҳақида гапириб бердилар. Бу суҳбат жараёнида КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, янги Конституция лойиҳаси тўғрисида ҳам қизғин фикрлар бўлди.

М. КАЛОНХОНОВ.

Дунё овози
чет эл хабарлари

БЕЛГРАДДАГИ УЧРАШУВДА

БЕЛГРАД, 16 июнь. (ТАСС). Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг бугун шу ерда давом этаётган мажлисида Белград учрашувига тайёргарлик босқичининг иш тартиби муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Испания вакили таклиф киритди.

Таклифни муҳокама қилишда Совет Иттифоқи вакили — СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. М. Воронцов қатнашди. У жумладан совет делегацияси асосий учрашувга тайёргарликка доир масалаларни жиддий ижобий ҳал этишга кўмаклашиш ниятида эканлигини таъкидлади. Асосий учрашув, якунловчи актда белгилаб ўтилганидек, Хельсинки руҳини давом эттириш ва ривожлантиришдан иборат бўлади, кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришда яна бир қадам қўйилади, деди СССР вакили.

ҲАМКОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ПАРИЖ, 16 июнь. (ТАСС мухбирлари). Франциянинг сиёсий, савдо-саноат доиралари ,мамлакатнинг кенг жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган расмий визитини табрикламоқдалар. Бу ерда шу визит Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатлар учун характерли бўлган ҳамкорлик, иноқлик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш учун; кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

Л. И. Брежневнинг Францияга визити, олий даражадаги Франция-Совет музокаралари Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида сиёсий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга ҳеч шубҳасиз ёрдам беради, кескинликни юмшатиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, деди Франция миллат мажлисининг раиси Эдгар Фор совет журналистлари билан қилган суҳбатида.

Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар, деди у, фаолиятнинг турли соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик изчиллик билан кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Кейинги йилларда олий даражада бўлиб ўтган Франция-Совет учрашувлари мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини бойитиш ва мустаҳкамлаш жараёнига ҳамда Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга ҳал қилувчи даражада конструктив таъсир ўтказди.

Франция миллат мажлисининг раиси мамлакатларимизнинг, жумладан, қуролсизланиш проблемасини ҳал этишда, сиёсий ҳамкорликни янада кенгайтириши зарурлигини уқтириб ўтди. Бу проблема ҳамиша мени қизиқтириб келди, деди у. Мен Франциянинг бу соҳада активроқ роль ўйнашини истар эдим. Совет Иттифоқи ҳам, Франция ҳам қуролланиш пойгаси тўхтатилишидан, қурол-яроғ турларини янада такомиллаштиришнинг тўхтатилишидан манфаатдордир. Қуролланиш пойгасининг тўхтатилиши қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга қўшилган гоят катта ҳисса бўлур эди.

Э. Фор таъкидлаб ўтдики, кейинги йилларда савдо-иқтисодий соҳада анчагина муваффақиятларга эришилди. Ҳозир гап Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо алоқаларини уч баравар кенгайтириш тўғрисида бормоқда. Илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳам Франция-Совет ҳамкорлиги анча кучайганлиги уқтириб ўтилди.

А. БАРАНОВ,
О. ШИРОКОВ.

ХАЛҚ АНГОЛАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ЛУАНДА, 16 июнь. (ТАСС). Янги Ангола аҳолиси олдида ҳозирги вақтда экономикани қайта тиклаш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш каби асосий вазифалар турибди. Бу ёш мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига икки томонлама зарар етказилди: мустамлакачилар газабларидан нима қилишларини билмай жўнаб кетиш олдидан кўпгина моддий бойликларни йўқ қилдилар. ФНЛА ва УНИТА қўғирчоқ гуруҳларининг шайкалари, империалистик интервенцияда қатнашган Жанубий Африка Республикасининг ёлланган кишилари ва қўшинларининг жиноий ишлари мамлакатда вайронагарчилик миқёсини янада кенгайтириб юборди.

Мамлакатдаги деярли бутун автомобиль парки ишдан чиқарилди, энергия ва сув билан таъминлаш системаси жиддий равишда бузилди. Интервенциячилар 144 кўприкни портлатдилар, минг-минглаб бош чорва молларни чет элларга олиб кетдилар, экинларга ўт қўйдилар.


Республика мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ саноат корхоналарини қайта тиклаш ишлари жадал олиб борилмоқда. деҳқонларнинг коллектив хўжаликлари тузилмоқда, халқ хўжалигининг турли соҳаларида миллий кадрлар тез суръатлар билан тайёрланмоқда. Кўпгина фабрикалар ишлай бошлади. Шакар қамиш ўриш ва кофе йиғиш кампанияси муваффақиятли ўтди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ангола учун муҳим бўлган балиқ саноати йўлга қўйилмоқда. Ташқи савдо аппарати ташкил қилинмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 17 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун —мавсум бошидан буён.


Калинин	0,6	68,2
Ўрта Чирчиқ	1,0	68,1
Оққўрғон	0,8	67,2
Қуйи Чирчиқ	—	64,6
Пискент	0,8	62,6
Бўка	0,8	61,7
Бекобод	1,3	61,1
Оҳангарон	—	57,8
Тошкент	0,7	57,3
Чиноз	2,0	52,4
Оржоникидзе	0,2	51,5
Янгийўл	0,2	48,0
Юқори Чирчиқ	1,1	44,8
Бўстонлиқ	1,6	36,4
Область бўйича:	0,8	57,9



Республикамиздаги энг кенжа нурхоналардан бири ловатт қувватга эга бўлган учта турбина арзон электр энергия бера бошлади. Муҳими тўғонда тўпланган сувлар экин майдонларини, боғлар ва токзорларни суғориш имконини берди. Суратда: ГЭСнинг очиқ подстанциялари. И. Чернов ва Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

19 июнь—медицина ходимлари куни

БЕБАҲО БОЙЛИК



Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий-текшириш институтининг Тошкентда очилган филиали чинакам илмий даволаш комплексига айланган. Бу ерда даволашнинг замонавий диагностика ва тиббий аппаратуралари мавжуд. Илмий марказда ўз касбининг моҳир усталари бўлган жуда кўплаб мутахассислар беморлар саломатлиги йўлида фаол меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (юқорида) медицина фанлари доктори, моҳир хирург Тўлқин Мухситович Қориев. (Пастда) операция пайти.

А. Абалян фотолари.



ШИФОКОР! Шу бир сўзнинг ўзида олам-олам мазмун мужассам. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашдек буюк ишда уларнинг бевосита иштироки ва амалий ёрдамлари бор. Улар доим ҳаёт завқи, инсон меҳри билан яшайдилар. Шу сабабли бизда шифокорлар инсон саломатлигининг посбонлари деб эъзоз топган.

ШИФОКОРЛИК чиндан ҳам фахрли касб! Партия ва ҳукуматимиз ана шу меҳридарё касб эгалари меҳнатини доим юксак қадрлаб келмоқдалар. Совет кишисининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ғамхўрликлар кўрсатилмоқда.

Бундай имкониятларни бизга улуғ Ленин, буюк Октябрь берди. Октябрь қуёши халқимизга бахт-саодат, ҳурият бахшида этди. Совет кишилари ҳар томонлама ғамхўрликлар билан қуршаб олинди. Халқ соғлигига эътибор кучайди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар чор империясининг қолоқ мустамлака чекка ўлкаси ҳисобланган бизнинг диёримизда аслини олганда соғлиқни сақлаш иши йўқ эди. Беш миллионли аҳолига бор-йўғи 139 шифокор хизмат кўрсатарди. Шунингдек, 10 та фельдшер-акушерлик пункти ва 33 та дорихона мавжуд эди. Бироқ, бу шифохоналарнинг барчаси чор чиновниклари, бой ва амалдорларга хизмат қиларди. Оддий меҳнаткашнинг куни таъмагир табибларга қолган эди.

Совет ҳокимияти йилларида медицинамиз ажойиб ютуқларга эришди. Совет халқи моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг тухтовсиз ўсиши натижасида партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрликлари туфайли республикамизда юқумли касалликлар тугатилди. Буларнинг ҳаммаси ўлимнинг камайишига ва аҳоли умрининг узайишига олиб келди.

Ҳозир республикамизда 1800 та амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турипти. Буларнинг деярли ярми қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Эндиликда врачлик медицина ёрдами кўрсатиш янада кенгайиб кетди.

Шу билан бирга медицина ва фельдшер-акушерлик пунктлари сони ортди. «Тез ёрдам» орқали тиббий хизмат кўрсатиш анча яхшиланди.

Шифобахш муассасаларнинг ўзида иш сифатини янада яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Шу мақсадларда мавжуд шифохоналарнинг моддий базалари мустаҳкамланмоқда ва янги касалхоналар қурилмоқда.

Қишлоқда шифокорлик ишларига эътибор кучайиб бормоқда. Агар республикамизда ҳозир 1169 та касалхона бўлса, шулардан 660 таси қишлоқда жойлашган. Уларда 50 минг ўрин бор. Шунингдек, болалар ва оналарга консультациялар оперувчи пунктлар кўплаб очилмоқда. Шу кунларда юздан ортиқ санитария-эпидемология станциялари ишлаб турипти.

Республикамизнинг узоқ яйловларида фаол меҳнат қилаётган чорвадорлар учун ҳам катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Улар ҳаво тез ёрдами орқали тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишяпти.

Эндиликда биз малакали мутахассис кадрларнинг катта отрядига эгамиз. Уларни тайёрлаб чиқаришда медицина олий ва ўрта билим юртларининг хизмати катта. Республикамизда ташкил топган тўнғич медицина ўчоқларидан бири — Охунбобоев номли Тошкент медицина билим юрти шу ўтган вақт мобайнида 20 мингдан ортиқ кадрни етказиб берди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги системасида ишлаб турган мутахассислардан 34 минг 914 киши врач, 101 минг 814 киши ўрта медицина ходимидир. Фармацевтика ходимлари сони 6752 кишини ташкил этади.

Медик олимларимизнинг илмий-тадқиқотлари яхши самаралар бермоқда. Ҳозир бизда кўпгина медицина илмий-текшириш муассасалари мавжуд. Буларнинг кўпида тиббиёт фанининг муҳим проблемалари устида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Шу кунларда талайгина проблема бўйича тадқиқотлар бажариляпти.

Учинчи беш йилликда республикамизда даволаш ишлари ва медицина фани кенг қанот ёзади. Беш йиллик охирига бориб касалхоналардаги ўринлар сони 179 мингтага етказилади. Капитал қурилиши учун 235,4 миллион сўмлик маблағ сарфланади. Медицина ходимлари сони 16 минг врачга кўпаяди. Янгидан 270 та дорихона очилади. Бу —ҳар ўн минг аҳолига 112 ўринли касалхона, 30 врач, ва 90 ўрта медицина ходими тўғри келади, деган сўз!

Медицина ходимларининг анъанавий байрамлари бу йил ажойиб кунларга тўғри келди. Бу кун ҳаётимизнинг асосий Қонуни ҳисобланган янги Конституция лойиҳаси совет кишилари томонидан муҳокама қилиниб, кўллаб-қувватланаётган бир вақтда нишонланмоқда. Лойиҳада СССР гражданлари соғлиғини сақлаш ҳуқуқлари тўғрисида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган. Унинг 42-моддаси ана шу масалага бағишланди.

Совет гражданларининг соғлигини сақлаш ҳуқуқи бепул малакали медицина ёрдами берилиши билан, ишлаб чиқариш санитариясининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши билан, шифохоналарни кўпайтириш билан, кенг профилактика тадбирларини ўтказиш билан, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш билан, узоқ умр кўришни таъминлаш билан амалга оширилади.

Барча совет кишилари қатори медицина ходимлари ҳам Совет Конституцияси лойиҳасини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Совет кишиси ҳақида, унинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида кўрсатилаётган буюк ғамхўрликлар учун биз шифокорлар партия ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик изҳор этамиз.

Эртага — медицина ходимлари куни! Биз бу байрамни ажойиб ютуқлар билан кутиб олмоқдамиз. Саломатлик посбонлари бундан буён ҳам эл-юрт соғлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар. Биз халқимизнинг бебаҳо бойлигини доим муҳофаза қилаверамиз.

И. А. САВЕЛЬЕВА,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, медицина фанлари кандидати.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ

Бир неча йилдирки, мамлакатимизда медицина ходимлари куни катта байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Республикамиз, областимиз шифокорлари ҳам бу сафарги анъанавий кунга алоҳида тараддуд кўрдилар. Янги шифохоналар очилди. Даволашнинг илғор метод ва усуллари жорий этилди.

Саломатлик посбонлари ўз байрамларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда, партия ва ҳукуматимизнинг совет соғлиқни сақлаш системасини янада яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига пухта ҳозирлик кўриш билан кутиб олдилар.

Ана шу шодиёна кун муносабати билан кеча область партия комитетининг мажлислар залига республика, пойтахт области ва Тошкент шаҳри медицина ходимлари вакиллари тўпланишди. Йиғилиш Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, медицина ходимлари касаба союзлари республика комитети, область ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан ўтказилди.

Тантанали йиғилишни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ Қ. С. Зоиров кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари ўртоқ К. И. Йўлдошев доклад қилди. Докладчи медицина ходимларининг юбилей йилида қўлга киритаётган ютуқлари, улар олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталди ҳамда янги Конституция лойиҳаси, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумидаги доклади барча совет кишилари қатори медицина ходимларининг ҳам зўр қизиқишига ва маъқуллашига сазовор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда аҳоли сиҳат-саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган бир группа илғор шифокорларга тантанали равишда «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишонлари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Тантанали йиғилишда область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева ўртоқлар иштирок этдилар.

ШАҲАР ВА ВИЛОЯТЛАРДА

ЕШЛИК ВА МАҲОРАТ

Ўзбекистон телевидениеси ва радио эшиттириш давлат комитети совғини учун аелар ўртасида шахмат бўйича анъанавий бешинчи фестиваль ниҳоясига етди. Қатнашчиларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этишган бўлса-да, уларнинг чиройли ва мазмунли ўйинлари мухлисларни мамнун этди.

Сўнгги тўққизинчи турда республиканинг бир неча бор чемпиони Лариса Пинчук ўйинни дуранг қилиб, жами 7,5 очко тўплади. Кейинги ўринларда бораётган чирчиқлик 13 ёшли Ф. Ҳасанова ва самарқандлик Лариса Косселар 6,5 тадан очкога эга эдилар. Агар бу икки шахматчи охирги турда ғалаба қозонишса, пешқадамга етиб олишарди. Лекин улар ҳам ўйинни дуранг қилишди. Шундай қилиб Л. Пинчук биринчи мукофотли ўринни эгаллади. Иккинчи-учинчи ўринларни олган Ф. Ҳасанова билан Р. Коссе ҳам келаси йил Ўзбекистон чемпионати олий лигасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Умумкоманда ҳисобидаги соврин Тошкент шаҳар командасига тегди.

ДАСТЛАБКИСИ БРОНЗА

Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли қатнашаётган республикамиз самбочилари Қарағанда шаҳрида давом этаётган мамлакат чемпионатидаги натижалари қувонарли бўлмаяпти. Иккинчи кун бўлиб ўтган беш вазндаги учрашувлардан сўнг фақат биргина вакилимиз пахтакорчи А. Звягинцев учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди. В. Собдиров ярим финалга чиқиб чемпионлик учун курашни давом эттиряпти.

ИККИНЧИ ЭШЕЛОНДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лигасида қатнашаётган командалар навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Уз майдонида «Шаҳрихон» коллективини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Фрунзенинг «Олга» футболчилари 19 очко билан пешқадам бўлиб олдилар. Сафарда Тюменнинг «Нефтяник» командаси билан бўлган ўйинни натижасиз дуранг қилган «Зарафшон» ҳисобида эса 18 очко бор. Турнир жадвалининг учинчи поғонасини Термизнинг «Автомобилист» футболчилари эгаллаб турибди. Лекин улар пешқадамларга қарағанда битта ўйин кам ўтказишган.

АНГЛИЯ ИҒУЛЛАРИ БУЙЛАБ

Англия йўллари бўйлаб ўтказилган велосипедчиларнинг халқаро мусобақаси ниҳоясига етди. Пойгачилар учун катта машқ вазифасини ўтаган бу турнир мухлисларда ҳам яхши таассурот қолдирди. Маррага биринчи бўлиб келган спортчига бериладиган мукофот... бир стакан сут эди. Ана шундай мукофотга терма командамиз аъзоси, тошкентлик армиячи Михаил Перевев ҳам сазовор бўлди. Барча босқичлар бўйича эса биринчи ўринга душанбелик Санд Гусейнов кўтарилди. Совет спортчилари умумкоманда ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгалладилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ОШ ВА КАБОБ ҲАНГОМАСИ

СУД ЗАЛИДАН

Ош қилиб сотиш жуда яхши нарса-да. Бунн Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 8-ошхона ошпази ўринга вақтинчалик ишлаб турган С. Сулаймонов жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам маъмурият унга ош қилишни топширганда «паловхон тўра»нн боплаб ясаб ташлаймиз-да», дея кўлини кўксига қўйиб ваъда берганди.

Чиндан ҳам «бопладн». У сотаётган ош порцияларн текширилганда ҳар бир кишидан 25—30 граммдан гўшт, 70—80 граммдан гуруч уриб қолаётганлиги маълум бўлди. Икки хўрандани қирқ икки тийинга «тушурди».

С. Сулаймонов пиширган палов унинг ўзига ҳам қимматга тушди. Фрунзе район халқ суди унн икки йилга озодликдан маҳрум қилди. Бунинг устига қўли эгри ошпаз яна икки йил савдо ва умумий овқатланиш системасида ишламаслигига қарор чиқарилди.

«Салом» ошхонасининг кабобчиси К. Хайитбоев ундан ҳам ошиб тушди. У ҳар доим хўрандалар ҳақидан уриб қолар, лекин ўзини бегуноҳдек олиб юрарди. Аммо кўза кунда эмас, кунида синади. Контроль текшириш ўтказилганида у типпичилаб қолди. Бир харидор ҳақидан уч тийин, иккинчисидан эса ўн тўрт тийин уриб қолади-ю, типпичиламайдимн!! Буидан ташқари, у тайёрлаган кабоб сихларида 52 граммдан гўшт етмаслиги маълум бўлди.

Қўрадаги кабоблар ҳам текшириб кўрилди. 12 та сих кабобнинг ҳар бирида 65 граммдан етишмовчилик борлиги аниқланди. Холодильникдаги хом маҳсулотдан эса қарийб уч килограмм гўштни «уриб» қолибди.

Яқинда Хайитбоевнинг иши Куйбишев район халқ судида кўрилди. Хўрандаларни доим алдаб, ҳақига хиёнат қилиб юрганлиги учун у уч йил озодликдан маҳрум этилди ва шунча муддатгача савдо ва умумий овқатланиш системасида ишламаслигига қарор чиқарилди.

Ҳар икки «жабрланувчи» суд қароридан норози бўлиб, Тошкент шаҳар судига шикоят ёздилар. Лекин район халқ судларн чиқарган қарорлар ўз кучида қолди.

Н. СЕРГЕЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.
Р. 013246. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1647.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.
20 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
КАТТА КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулпаршин СИРИМБЕТОВА
Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Ҳамза номли Давлат мукофотининг лауреати Отажон ХУДОЙШУКУРОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Ҳамза номли Давлат мукофотининг лауреати Байрам МАТЧОНОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тамара ДОШУМОВА
Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Бозорбой НОДИРОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Ҳамза номли Давлат мукофотининг лауреати Байрам МУРОДОВ
Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ўрингул МУРОДОВА, Пўлат НОДИРБОЕВ; балет солистнаси Норгул РЎЗИМБЕТОВА.
«ҚИРҒИЗ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ ХОРЕОГРАФИЯ АНСАМБЛИ
«АЙҚУЛАШ» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ВА РАДИОСИНИНГ СОЛИСТЛАРИ.
ПРОГРАММАНИ — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артистлар Бибихатча КАИПОВА, Райҳон САФАРОВА ва Ойша ЖАДИГЕРОВАлар олиб борадилар.
БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Тошкент область кинофильмлар прокати конторасн
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА КУЙИДАГИ ФИЛЬМЛАРНИ
ЭКРАНЛАРГА ЧИҚАРАДИ:
«ОЗОДЛИК СОЛДАТЛАРИ»
4 СЕРИЯЛИ.
Фильм воқеалари 1943—1944 йиллар, яъни Венгрия, Чехословакия, Болгария халқларининг фашизмга қарши кураши энг юксак чўққисига етган даврни ўз ичига олади. Бу мамлакатларда яширин Қаршилик кўрсатиш ташкилотларининг Гитлер босқинчилигига қарши кураши урушнинг биринчи кунларидан бошланган эди. Аммо у коммунистлар раҳбарлигида кенг халқ оммасини ўз сафларига тортиб, тобора кенгайиб борди ва озодлик кунини яқинлаштирди.
ТОМОШАБИНЛАР ФАШИЗМНИ ТОР-МОР КЕЛТИРИШДА УЛКАН РОЛЬ УЙНАГАН ХАЛҚАРО КОММУНИСТИК ҲАРАКАТНИНГ КУПДАН-КУП ТАНИҚЛИ АРБОБЛАРИНИ КУРАДИЛАР.
БУ КИНОЭПОПЕЯНИ ЯРАТИШДА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ ҚАТОР ТАНИҚЛИ АКТЕРЛАРИ ИШТИРОК ЭТГАН.
Постановкачи — Юрий ОЗЕРОВ.
Сценарий муаллифлари — Юрий ОЗЕРОВ, Оскар КУРҒАНОВ.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
«ИККИ СОЛДАТ ҲАҚИДА ҚИССА»
Фильмда Улуғ Ватан уруши йилларидаги интернационал дўстлик мавзусига мурожаат этилган. Фильмни яратувчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зиямат Хусановнинг қизиқарли ва бой биографияси, ҳаётий материалларни экран асарига асос қилиб олганлар. Зиямат Хусанов фашист тутқунлигидан қочиб, Болгария территориясида партизан сафларида гитлерчи босқинчиларга қарши аёвсиз курашган.
Сценарий муаллифлари — У. УМАРБЕКОВ, Н. ФИГУРОВСКИЙ.
Постановкачи-режиссёр — Э. СОБИТОВ.
«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДАГИ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
155-ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йилига ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИНЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
БИЛИМ ЮРТИГА 15, 16, 17 ЁШЛИЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди:
Узоқ манзилларга борувчи пассажир поездлари вагонларининг проводниклари.
Ўқиш муддати бир йил. 17 ярим ёшда бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади, ётоқхонадан жой берилмайди;
Машинист ёрдамчиси, тепловознинг механик қисмлари ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи, тепловознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш ускуналари ремонти бўйича слесарь, дурадгор.
Ўқиш муддати — 3 йил.
Ўқишга қабул қилинган 8 синф ҳажмида маълумотлилар уч маҳал овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг учдан бир қисмини оладилар.
Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Билим юртини «аъло» баҳоларда битирганларга мамлакатнинг олий ўқув юртлари ёки махсус ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берадиган диплом берилади.
Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчиларн фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шунингдек Совет Иттифоқининг исталган манзилига темир йўлда бепул бориш имкониятидан фойдаланадилар.
Билим юрти қошида вокаль-чолғу ансамбли тузилган, ҳар хил тўгараклари ва спорт секциялари мавжуд.
Билим юртига киришни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан справкалар, характеристика ва 8 та фотосурат.
ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй, (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

Телевидение
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ
10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Моҳир қўллар. 11.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 — Тонгги музикали программа. 12.00 — Совет тасвирий санъатида портрет. 12.30 — «Здоровье». 13.05 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 14.05 — «Қувноқ воқеалар» (бадиий фильм). 15.30 Адабий суҳбатлар. 16.30 — Ҳайвонот оламида. 17.30 — Концерт. 18.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзудаги суҳбати. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильмлар. 19.40 — Спортлото. 19.55 — «Қора денгиз тўлқинлари» (бадиий фильм, 1-серия). 21.00 — Футбол. СССР кубоги. Чорак финал. «Торпедо» (М) — «Спартак» (М). 21.45 — Балетдан саҳна. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол. «Торпедо» (М) «Спартак» (М). 2-тайм. 23.15 — Концерт. 00.05 — Янгиликлар.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ
10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Доира рақсга чорлайди. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — Шеърият мухлисларига 11.30 — Ўқитувчилар учун консультация. 12.00—«Марица» (спектакль). 14.10 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Қувноқлар даврасида. 18.55 — «Илҳом». 19.45 — Ахборот. 20.00 — Концерт. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Куйланг, ёш хонандалар. 21.50 — Мультфильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Пахта ва сув. 22.45 — «Интеграл» (бадиий фильм.
ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ
17.30 — Душанба кўрсатувлари.

Театр
НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18|VI да Бир актли балетлар, 19|VI да Қорақалпоғистон АССР санъат усталарининг КАТТА КОНЦЕРТИ, 21|VI да Тоҳир ва Зуҳра.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19|VI да Шельменко-деншчик.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18|VI да Гулбаҳор қани? 19|VI да Оддий мўъжиза, 20|VI да Олифта.

Кино
ҚИШЛИ БИНОДА
САНЪАТ САРОЙИ — Қочоқ киши (катта зал), Сангам (кичик зал, кундуз ва кечқурун).
Қочоқ киши — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).
Сентиментал роман — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).
Кўл узра соната садоси — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).
Мулен Руж — «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда).
Элиза, ёки чин ҳаёт — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18, 20.00, 21.30).
Кумуш кўл хазинаси — «ВОСТОК» (21.30).
ЁЗГИ БИНОДА
Қочоқ киши — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30, 22.30).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ
АЛОҲИДА ФАНЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ БУЙИНЧА
1977—78 ўқув йилига ҚУЙИДАГИ МАКТАБЛАРНИНГ 9-СИНФЛАРИГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
50-мактаб (рус тилида ўқитилади) — физика ва математика;
115-мактаб (ўзбек тилида ўқитилади) — физика ва математика;
110-мактаб (рус тилида ўқитилади) — физика;
226-мактаб (ўзбек тилида ўқитилади). 40, 73, 140-мактабларда — физика;
2, 71, 94, 103, 106, 166, 173-мактабларда — математика;
89, 111-мактабларда — химия;
81, 101-мактабларда — биология;
163, 169-мактабларда — адабиёт;
5, 9-мактабларда — тарих.
ШУНИНГДЕК, 71, 106, 110-МАКТАБЛАРДА МАТЕМАТИКАНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ, 110, 115, 140-МАКТАБЛАРДА ФИЗИКАНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ 8-СИНФЛАРИГА ҲАМ ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Мактабларнинг директорлари номига ёзиладиган аризага маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади.